

НАМАНГАН — ВОДИЙНИНГ БЕБАҲО ЖАВОҲИРИ

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ҳар бир ташрифи тараққиётнинг янги йўналишларини белгилаб беради. Зеро, ташриф доирасида кўриладиган чора-тадбирлар, биринчи навбатда, одамларнинг яхши яшаши учун қулай шароитлар яратишга қаратилмоқда.



Президентимиз Наманган вилоятига бу галги ташрифида ҳам sanoat, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ижтимоий соҳа каби қатор йўналишларда ишга туширилаётган янги объектлар билан танишди, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказди.

Саноат вилоят иқтисодиётининг асосий таянчига айланиб, ҳудуд мамлакат иқтисодий

тараққиётга салмоқли ҳисса қўша бошлади. Хусусан, 2016 йилда вилоятнинг sanoat ҳажми 3,4 триллионни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб 37,5 триллионга етди. Бу ишлар атиги саккиз йилда амалга оширилди.

Бу даврда вилоятга 5,2 миллиард доллар инвестиция кириб келди. Қарийб уч ярим минг корхона ишга тушди. Қурилиш материаллари, электротехника, тўқимачилик, мебеласозлик, асосийси, бир пайтлар умуман ривожланмаган йўналишлар ҳам ҳозир sanoatнинг асосий локомotive бўлмоқда.

Айни пайтда вилоятда 73 та sanoat зонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида кичик, ёшлар ва махсус иқтисодий зоналар бор. Бу нафақат маҳаллий ишбилармонликни ривожлантириш, балки минглаб аҳоли учун муқим ва даромадли иш ўринлари яратишга замин бўляпти. 207 корхона 239 турдаги маҳсулот тайёрлаб, йиллик 400 миллион долларлик экспорт қиялпти.

Вилоятда саккиз йил аввал мактабгача таълим қамрови атиги 24 фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 77,5 фоиз. Олий таълим қамрови эса 9,2 фоиздан 50 фоизга етди.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАСИ

УНИ МАМЛАКАТ ЧЕГАРАЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ ҚЎЛЛАШ КЕРАК

Хорижий иштирокчилар “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми ҳақида



17-18 сентябрь кунлари Наманган шаҳрида “Камбағалликдан фаровонлик сари” III халқаро форуми бўлиб ўтди. Форумнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ўзбекистон етакчиси ўз маърузасида дунёда кузатилаётган геосийсий, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик, иқлим ўзгаришлари таъсирида глобал иқтисодий ўсиш секинлашгани, оқибатда камбағал аҳоли сони ошганига эътибор қаратди. Бу ҳолат барча давлатлар, халқаро ташкилотлар, умуман, дунё ҳамжамияти олдига янги ва долзарб вазифаларни қўяётгани таъкидланди.

— Сўнгги саккиз йилда одамларнинг ҳақ-хуққини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган улкан ишларни амалга оширдик. Янги Ўзбекистонда барча ислохотлар ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун шароит яратиш ва имкониятларни кенгайтиришга қаратилди, — деди Президентимиз.

Камбағалликни қисқартириш бўйича Наманган форумининг хорижий иштирокчилари таъкидлашча, анжуман нафақат Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш тажрибасини ўрганиш ва уни бошқа давлатлар билан бўлишиш, балки келажақдаги муаммоларни муҳофама қилиш имконини берди.

➤ Давоми 2-бетда

Юксалиш палласи

ДУАЛ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ

“ИНВЕСТИР — ТАРМОҚ — ТЕХНИКУМ” ЗАНЖИРИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Жорий йил 15 сентябрь куни Президентимиз Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўқитувчи ва мураббийлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Тантанали учрашувда 40 мингдан зиёд педагог онлайн тарзда иштирок этди. Қирқ минглик бу улкан армия — маърифат, маънавият, билим ва тарбия посбонларининг Президент билан юзма-юз суҳбатда бўлиши, таълим ислохотларини биргаликда давом эттириш ҳақида фикр алмашиши ҳар қандай инсон қалбини тўлқинлантирмасдан қўймайди.

Бир дақиқа тўхтаб, ўйга чўмсақ, ҳаёлимизда табиий савол туғилади — кеча қандай эдик, бугун қандай юксалдик? Ҳаётимизга шунчалик янгиликлар, имкониятлар ва фаровонлик кириб келдики, уларни кечаги воқелик билан қиёсламасдан туриб баҳолаш қийин. Ортга назар ташласак, атиги саккиз йил аввал шу кунларда ўқитувчи ва мураббийлар ўқувчи ва талабалари билан бирга пахта далаларига чиқар, эгатларда эгилиб, ўз касб-корларидан



мутлақ йироқ ишларни қилишга мажбур эди. Бугун эса улар мамлакат раҳбари билан юзма-юз мулоқот қилиб, келажак тараққиётини белгилашда фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси ва ислохотлари туфайли юртимиздаги энг оғир муаммолардан бири — мажбурий меҳнат тизими бутунлай барҳам топди. Айниқса, йиллар давомида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг пахта далаларига мажбуран жалб қилинишига нуқта қўйилиши инсон қадрини юксалтиришга қаратилган улкан қадам, педагог

нуфузини тиклаш ва жамиятда унинг ҳақиқий обрў-эътиборини таъминлаган институционал инқилоб бўлди. Бунини фақат биз эмас, халқаро ташкилотлар — Халқаро меҳнат ташкилоти (ILO), БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши ҳам эътироф этиб келмоқда. Ўзбекистонда мажбурий меҳнатнинг тугатилишини юқори баҳолаб, мамлакатнинг янги тараққиёт босқичига қадам қўйганини таъкидламоқда.

Таълимга қайтган авлод ва ўқитувчилар билан янги Ўзбекистондаги институционал ислохотлар натижасида эндиликда мамлакатимиз таълим тизимида жадал

ривожланиш жараёни кузатишмоқда. Хусусан, йнгилишда таъкидланганидек, “инвестор — тармоқ — техникум” занжир асосида дуал таълим тизими жорий этилиши бугунги куннинг яна бир муҳим ислохоти-дир. Илм ва инновацияга асосланган таълим тизими ёшларнинг пахта далаларида эмас, замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида, илмий лабораторияларда ишлашига замин яратди.

Йнгилишда касбий таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига мослаштириш стратегик аҳамиятга эга вазифа экани алоҳида таъкидланди. Зеро, бугунги глобаллашув шароитида рақобатбардош мутахассис тайёрлаш, ёшларни замон талабларига жавоб берадиган билим ва кўникмалар билан таъминлаш тараққиётнинг энг муҳим мезонидир. Шу мақсадда бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея ва Буюк Британия каби илгор давлатларнинг нуфузли таълим муассасалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиши белгиланди. Бу ҳамкорлик, аввало, ўқув дастурларини модернизация қилиш, замонавий методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ўқитиш жараёнига жорий этиш, энг муҳими, педагог кадрлар малакасини узлуксиз оширишга қаратилган.

Шу билан бирга, касбий кўникмаларга эга талабгорлар хорижий малакани баҳолаш тизими орқали имтиҳон топишиб, халқаро сертификат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса уларга нафақат маҳаллий иш бозорида, балки трансмиллий меҳнат бозорида ҳам кенг имкониятлар эшигини очди. Халқаро сертификат орқали мутахассиснинг малакаси дунё миқёсида эътироф этилади, иш беришчи учун унинг касбий тайёргарлик даражаси аниқ ва ишончли мезонга айланади.

➤ Давоми 3-бетда

Ислохот одимлари

Спортда чемпион деган сўз бор. Барча рақибларидан устунликка эга, олд натижаларни қўлга киритиб, мусобақаларда ҳалол ўйнайдиган спортчиға ёки жамоага нисбатан қўлланилади бу сўз. Чемпион бўлишнинг аҳамияти, салмоғи ўзгача. Ҳаммага ҳам бундай мақом берилвермайди.



ЧЕМПИОН ТАДБИРКОРЛАР ҚАНЧА КўП БўЛСА, ШУНЧА ЯХШИ

Эндиликда бу ибора мамлакатимиздаги энг фаол, илгор тадбиркорларга нисбатан қўлланилаётгани бежиз эмас. Зеро, бугун улар иқтисодиётимизнинг таянчи, юртимиз тараққиётининг фаол иштирокчилари, чинакам қаҳрамонларга айланганини давлатимиз раҳбарининг ўзи эътироф этмоқда.

Ана шу тадбиркорларимиз орасида катта савдо айланмасига эга йирик бизнес эгалари кўп. Яқингача уларни танимасдик, билмасдик. Ҳозир эса даромадлари ҳақида очиқ гапириляпти. Ҳатто йирик бизнес эгаларига “чемпион” тадбиркорлар деган нисбат берилмоқда.

➤ Давоми 4-бетда

Рағбат

АВЛОНИЙ
СТИПЕНДИЯСИ

ОЛИЙҒОҲЛАРДА БўЛАЖАК ФИДОЙИ
ПЕДАГОГЛАРНИ КАШФ ЭТАДИ

5



ЎЗБЕКИСТОННИНГ КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАСИ УНИ МАМЛАКАТ ЧЕГАРАЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ ҚЎЛЛАШ КЕРАК



Бошланиши 1-бетда

**Луис Фелипе ЛОПЕС-КАЛЬВА,
Жаҳон банкининг глобал директори:**

— Халқаро аҳамиятга эга форумда асосий эътибор “Камбағалликдан фаровонлик сари” глобал кун тартибига, кўп қиррали камбағалликни қисқартириш ва барқарор ривожланиш имкониятларини яратилишининг самарали йўлларини топишга қаратилган.

Ўзбекистон камбағалликка қарши курашишда ўзини жаҳонда етакчи сифатида намоён қилди. Унинг ютуқларидан бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида фойдаланиш мумкин. Бу муваффақиятнинг асоси инклюзив ўсиш, хусусий секторнинг фаол иштироки, тадбиркорликни, хусусан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш тамойилларига содиқликдир. Бу сайёҳаракатларнинг уйғунлиги бугунги кунда биз гувоҳи бўлаётган ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

**Симонетта СИЛИГАТО,
БМТнинг Лойиҳа хизматлари
бўйича (UNOPS) Австриядаги
ваколатхонаси директори:**

— Мен Наманганда камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форумда иштирок этиб, Ўзбекистон сўнгги йиллар давомида эришган ажойиб натижалар ҳақида кўп маълумотга эга бўлганимдан жуда мамнунман. Мамлакат камбағалликни сезиларли даражада қисқартирди ва барқарор ривожланишининг кўплаб соҳаларида — иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳада муваффақиятларга эришди. Буларнинг барчаси халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик туфайли амалга оширилди. UNOPS миллий соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистон ҳукумати билан Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки ва Ислам тараққиёт банки каби ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдан фойдаланди.

Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар юқсак самаралар кўрсатиб, аҳолига сезиларли фойда

**Фахри СОЛАК,
Турк дунёси муниципалитетлари иттифоқи бош котиби:**



— Биз 17 сентябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Наманганда очилган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форумда иштирок этиш учун Истанбулдан келдик. Залдаги байроқлардан кўриниб турибдики, бу ерга турли мамлакатлардан 200 дан ортиқ мутахассислар, экспертлар тўпланган. Бундай кенг кўламли форумнинг пойтахт Тошкентда эмас, балки Наманганда бўлиб ўтганида ҳам раъзий маъно бор.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи кенг қамровли ва мазмунли бўлди. Утган саккиз йилда камбағалликка қарши курашиш борасида амалга оширилган сиёсат ва чора-тадбирлар, эришилган натижалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг қисқа вақт ичида сезиларли даражада яхшилангани дўст ва қардош Туркия учун қувонарли янгиликдир.

**Анди АРАНИТАСИ,
Европа тикланиш ва
тараққиёт банкнинг (ЕТТБ)
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
раҳбари ва директори:**

— Ўзбекистон жуда қисқа вақт ичида камбағалликни қисқартириш бўйича ажойиб натижаларга эришди. Бу мамлакат раҳбарияти олиб бораётган сиёсатнинг бевосита натижасидир. Ўзбекистон Президенти камбағалликка қарши курашиш бўйича тизимли ёндашувни ишлаб чиқди, уни ривожланишининг асосий мақсадига айлантирди.

Президент ўз нутқида сўнгги йилларда амалга оширилган қатор чора-тадбирларини белгиллаб кўрсатиб, улар мамлакатнинг бугунги кундаги кўрсаткичларига хизмат қилди. Айниқса, унинг улкан мақсади — “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ 2030 йилгача Ўзбекистонни камбағалликдан



тўлиқ олиб чиқишдир. Президентнинг айтганидек, бунга эришиш жуда қийин бўлади, шунинг учун ҳам ушбу форумнинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш шарт эмас деб ўйлайман. Бу ерда халқаро ва миллий ҳамкорлар иштирокида мамлакатнинг ана шу эзгу мақсад сари олға силжишига хизмат қилувчи тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

**Муҳаммад Зубайр Ашраф УСМОНИЙ,
“Habib Bank Ltd” шариат кенгаши раиси (Покистон):**



— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуманининг очилиш маросимидаги нутқини катта қизиқиш билан тингладим. Унинг нутқи маълумотларга бой ва илҳомлантирувчи бўлди. Давлатингиз раҳбари ҳукуматининг камбағалликка қарши курашиш бўйича амалга ошираётган муҳим дастурларини аниқ белгилаб берди ва бу сайёҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон тажрибасини мамлакат чегараларидан ташқарида ҳам қўллаш дунё аҳолиси фаровонлигига хизмат қилади. Камбағалликка қарши курашиш глобал муаммо ва Ўзбекистон модели эса кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкин.

Мен халқаро ҳамжамиятини Ўзбекистон ташаббусларига эътибор қаратишга, бу тажрибани ўзлаштиришга, ўз халқлари манфаати йўлида қўллашга қаҳирмоқчиман.

“Дунё” АА
Наманган

Нуқтаи назар

НАМАНГАН — ВОДИЙНИНГ БЕБАҲО ЖАВОҲИРИ ТАРИХИЙ ТАШРИФ ЭЗГУЛИК ВА ЎЗГАРИШЛАРДАН ДАРАК

Бошланиши 1-бетда



**Халчaxon МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Наманган мамлакатимизнинг бебаҳо жавоҳири, водийнинг юраги. Бу азим кент меҳнаткаш халқи, буюк тарихи ва маънавият бешиги сифатида юртимиз тараққиётида муҳим ўрин тутиб келган. Ахсикент каби тарихий шаҳарлари замонлар оша илм-маърифат ва савдо-иқтисодий ҳаётнинг маркази сифатида бу заминнинг юқсак салоҳиятини намоён этади.

Бугун ҳам вилотимиз мамлакатимиз иқтисодий қувватига қудрат қўшаётган пешқадам ҳудудлардан бири саналади. Кейинги йилларда вилот эришган бозорига саноат хаби сифатида кириб борди. Наманганликлар тадбиркорликка

мойиллиги ва меҳнатсеварлиги билан яратилган имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланиб, уларни амалий натижаларга айлантира олди.

Президентимизнинг вилотга ташрифи доирасида Наманган вилотини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда бу ишлар кенг таҳлил қилинди, ютуқлар эътироф этилди. Бу бежиз эмас. Чунки вилотимизда яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш даражаси юқори. Фикримча, шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг эрталаб бошланган навбатдаги ташрифининг биринчи куни вилотимизни

иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантириш, наманганликлар ҳаёти фаровонлигини оширишга қаратилган ишлар билан танишиш, мутасаддилар ва аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш асносида кечки соат 10 ларда нияҳюсига етди.

Аслида, қатъий протокол қоидаларидан четлашилган мана шу жиҳатнинг ўзиёқ наманганликлар учун кўп яхшиликлар, ўзгаришлардан дарак беради. Зеро, ташрифининг ҳар бир соати, дақиқаю сонияси вилот ҳаётига доир муҳим янгиланишларга тамал тоши бўлди.

Айниқса, камбағалликни қисқартиришга қаратилган сиёсатнинг амалий



ЯНГИЛАНИШЛАР ШУКУҲИ ҲУДУДЛАР ТАРАҚҚИЁТИГА КУЧЛИ ТУРТКИ БЕРАДИ

Президентимизнинг Наманган вилотига бу галги ташрифи ҳам тигиз кун тартибига бой бўлди. Икки кунлик сафар давомида давлатимиз раҳбари саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ижтимоий соҳа каби қатор йўналишларда ишга туширилган янги объектлар билан танишди. Вилотини комплекс ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Фаоллар билан йиғилишда вилотда ислохотлар натижадорлигини янада ошириш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

Хусусан, маҳаллаларни обод қилиш бўйича муҳим ташаббусни илгари сурди. Унга кўра, юртимизда “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастури амалга оширилади. Ислохотлар штабига вилотдаги хушманзара жойлар бўйича мастер-режа ишлаб чиқиб, амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига кейинги йилда 50 минг одамни ишли ва даромадли қилиш топширилди.

Мамлакатимизда тадбиркорларга муносиб шароит яратиш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда технопарк ва кичик саноат зоналари ташкил этилмоқда. Наманган вилотияда бугун 1500 гектар майдонда

70 дан ортиқ саноат зонаси мавжуд. Ушбу махсус ҳудудлар нафақат миллион-миллион долларлик маҳсулотлар тайёрланиб, экспортга йўналтираётгани, балки минглаб даромадли ва муқим янги иш жойлари очилишига замин бўлаётгани билан ҳам аҳамиятли.

Бундан атиги 10 йил олдин бу имконият, шароит ва рағбатни, ўз навбатида, кейинги йиллардаги ислохотларнинг самараси ўлароқ вилотимиз тараққиёти билан боғлиқ бугунги натижаларни тасаввур қилиб бўлмасди. Бир пайтлар иқтисодий қийинчиликлар гирдобидида қолган, давлат дотацияси ҳисобидан кун кечирган Наманган ҳозир мамлакатимизнинг



**Баҳодир ЮСУПОВ,
меҳнат фахрийси**

йирик саноат ва экспорт маркази сифатида эътироф этиляпти. Бу шунчаки қуруқ гап ёки баландпарвоз мақтов эмас, бунинг замирида Президентимиз бошлаб берган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга ҳамоханг равишда вилотимизда бошланган янгиланиш жараёни, наманганликларнинг катта меҳнати ётибди. Бунинг вилотимиздаги саноат ҳажми 2016 йилдаги 3,4 триллиондан 2025 йилда 37,5 триллионга етгани ҳам тасдиқлайди.

Маъзур кўрсаткич мақтанишга арзғулик натижа. Ахир бунга жуда қисқа муддатда, бор-йўғи саккиз йилда эришилди. Шундай бўлса-да, мақтаниш, тўғирроғи, фахрланиш керак бўлса, мен умуман бошқа бир жиҳатни айтган бўлардим. Бу — ишонч! Президентимизга, мамлакатимиздаги ислохотларга, келажакка ишонч. Жамиятимизда одамларнинг бир-бирига, давлатга, тадбиркорликка, қўйингки, ўзи қилаётган ишнинг келажакка ишонч мустаҳкам қарор топгани сайин янги Ўзбекистон тараққиёти жалдлашиб борапти, назаримда.

Бугун кўлга киритаётган барча ютуқларимиз замирида халқ ва давлатнинг ягона мақсад йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилаётгани мужассам. Шу боис, Наманган тажрибаси ўринли ислохотлар туфайли қисқа муддатда ҳам тўб ўзгаришларга эришиш мумкинлигининг ёрқин исботидир.

Бундан 6-7 йил аввал “камбағал оила” деган ибора ҳатто луғатимизда ҳам йўқ эди. Камбағаллик ёпиқ мавзу, расман таққилланмаган бўлса-да, бу ҳақда оғиз очиш мумкин эмасди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш сиёсатининг амалий самараси Наманганда яққол кўзга ташланмоқда. Зеро, “Камбағалликдан фаровонлик сари” мавзусидаги III халқаро форумнинг айнан вилотимизда ўтказилганида ҳам ўзига хос маъно бор.

самараси Наманганда яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, жорий йил бошида вилотда камбағаллик даражаси 7,6 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 6,7 фоизга тушди. Яъни қисқа вақт ичида минглаб оилалар камбағаллик домидан чиқиб имконига эга бўлди. Ҳисоб-китобларга кўра, йил якунига қадар бу кўрсаткич 5,3 фоизгача тушиши кутилмоқда.

“**Деярли тўхтаб қолган
уй-жой қурилиши соҳаси
кейинги йилларга
келибгина жонланди.
Жумладан, вилотимизда
охирги йилларда 638 та
кўп қаватли уй барпо
этилди. 23 минг оила янги,
замонавий хонадонларга
кўчиб ўтди.**

Очиги, вилотимиз ижтимоий-иқтисодий фаолияти, наманганликлар ҳаётига доир бу каби ютуқли натижалар рўйхатини яна узок давом эттириш мумкин. Муҳими, ҳар бир муваффақият одамларимиз ҳаётидаги сезиларли ўзгаришлар тасдиғи сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимизнинг йиғилишдаги нутқини эшитиб ўтириб, бир пайтлар қишлоқ хўжалигида ишлаган даврларим кўз ўнгимдан ўтди. У пайтдаги қийинчиликлар қаерда-ю, бугунги фермерларга яратилаётган шароитлар қаёқда?

Қолаверса, вилотимиз дарвозаси — аэропортиимиз янгиланяпти. Эски аэропорт 1971 йилда қурилган. Утган йиллар давомида у маънан эскирганди. Фақат 400 йўловчини ўтказиш қувватига эга объект аҳоли эҳтиёжларига жавоб бермай қолганди. Унинг паст қуввати ва техника жиҳатдан ортада қолиши ҳудуд ривожини учун жиддий тўсиқ бўлиб келди. Сайёҳлар оқимини чеклади, бизнес ривожини секинлаштирди, вилотининг инвесторлар учун жозибадорлигини пасайтирди. Хизмат кўрсатиш сифати ҳам замонавий стандартларга жавоб бермасди.

Қисқа фурсатда аэропорт атрофидаги инфратузилма ҳам ўзгаради, дунёнинг илғор тажрибасидаги каби аэропорт атрофида меҳмонхоналар, савдо ва кўнгилолар мажмуалар, барча замонавий хизматлар йўлга қўйилаётган бўлди.

Бундай хайрли ишлардан биз, нурунийлар беҳад севиндик. Юртдошларимизнинг бугунги яшаётган кунидан розилиги, эртанги кунга ишончинчи мустаҳкамлашга замин бўлаётган ана шундай бунёдкорлик ишларига барчамиз камарбаста бўламыз.

“Инсон қадри учун” тамойили асосида манзилли ижтимоий дафтарлар жорий этилиб, барча эҳтиёжманд оилалар қамраб олингани ва улар мақсадли қўллаб-қувватланаётгани ҳам катта самара бермоқда. Агар бунинг вилотимиз мисолида олсак, жорий йил бошида ҳудудда камбағаллик даражаси 7,6 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир 6,7 фоизга тушди. Қисқа муддатда минглаб оилалар камбағалликдан чиқарибди.

Йиллар давомида қир-адирликдан нафрат қарқор ерларни ўзлаштириш нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, балки аҳоли бандлиги, ҳудудлар ривожига ҳам хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг кейинги йилларда адирларни ўзлаштириш масаласига эътибори сабаб Наманган вилотиядаги минглаб гектар майдон бугун яшилликка бурканди, гўзал шаҳарларга, юртдошларимизга ризқ улашаётган боғу бўстонга айланди.

2016 йилга қадар Наманган вилотия аҳолисининг қарийб ярми тоза ичимлик сувдан маҳрум эди. Қишлоқларда сув қудуқ ва ариқлардан ташиб келинар, шаҳарларда эса эскирган тармоқ одамларни қийнади. Бу ҳолат нафақат турмуш сифатига, балки соғлиқ ва ижтимоий муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатарди.

“**Охирги йилларда бу
йўналишда ҳам бутунлай
янгича ёндашув йўлга
қўйилди. Вилотда
5,2 минг километр
ичимлик сув ва
каналлизи тarmoқлари
тортилди. Натижада
марказлашган ичимлик
сув қамрови 59,5 фоиздан
87 фоизга етди. Бу 100
минглаб оила ҳаётида
тўб ўзгариш ясаган
кўрсаткичдир.**

2018 йилда туризм экспорти бор-йўғи 2,5 миллион доллар бўлган. Бу рақам вилотия миллиониятига нисбатан жуда паст эди. Орадан 5 йил ўтиб, бу кўрсаткич 204 миллион долларга етди. Қарийб 80 баробар ўсишга эришилди! Мана шуларни қўриб, кузатиб ўйлаб қоласиз киши: қилса бўлар экан-ку!

Шунингдек, “Афсоналар водийси” каби йирик лойиҳалар ва халқаро гуллар фестивали Наманганни бор бўй-баста билан бугун дунёга олиб чиқди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ҳудудларга ташрифи янгиланиш шукӯҳи ва кайфиятини олиб келмоқда. Бинобарин, ҳар бир сафар ҳудудлар тараққиётига кучли туртки беради. Янги ўсиш нуқталарини белгилаш ва жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш имкониятига айланади.

“ИНВЕСТИОР – ТАРМОҚ – ТЕХНИКУМ” ЗАНЖИРИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ



Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазири

Бошланиши 1-бетда

Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий кафолати

Юртимизда ёшларни касб-хунарга ўргатиш, муносиб иш билан таъминлаш доим устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу мақсадда жозибador инвестиция муҳити шакллантирилди. Хусусан, қўшма корхоналар, кластерлар ва кооперациялар кенг йўлга қўйилди. Бу орқали нафақат маҳаллий, балки хорижий инвесторлар ҳам таълим ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликка қизиқиш билдирмоқда. Натижада тадбиркорлик ҳамда бизнес муҳити ривожланиб, ёшларнинг стартап ва инновацион гояларини амалга ошириш учун қулай шароит яратилди.

Йилда илгари сурилган фикрлардан яққол кўринадики, Ўзбекистон таълим тизими жаҳон стандартлари билан уйғунлашиб, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўймоқда. Давлат сиёсатининг устувор мақсади сифатида ёшларни глобал иқтисодий ва технология муҳитида рақобатбардosh мутахассис сифатида тайёрлаш, билим ва кўникмаларини халқаро меzonларга мослаштириш белгиланган.

Шу мақсадда жорий ўқув йилидан Буюк Британиянинг нуфузли “Пирсон” компанияси билан ҳамкорликда ҳудудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури йўлга қўйилди. Маскув дастур мамлакатимиз касбий таълим тизимидаги муҳим инновация бўлиб, у ёшларга халқаро стандартлар асосида чуқур назарий билим ва амалий кўникмалар беришга йўналтирилган. Энг муҳими, дастур орқали талабалар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, энергетика, машинасозлик, биотехнология ва креатив иқтисодиёт каби устувор соҳаларда халқаро эътироф этилган сертификатларга эга мутахассис бўлиб етишади.

Қўшма таълим жараёни таълим мазмунини тубдан бойитиш билан бирга ёшларнинг инновацион фикрлари, креатив тафаккури ва замонавий дунёқарашини ривожлантиришда ҳал қилувчи омилга айланади. Натижада назарий билим билан амалий кўникмалар уйғунлашган, ишлаб чиқариш билан узвий боғланган ва халқаро бозорда рақобатлаша оладиган кадрлар етишиб чиқади. Шубҳасиз, халқаро дастурлар асосида билим олган ёшлар нафақат ички бозорда, балки глобал меҳнат майдонида ҳам ўз ўрнини топа олади. Таълим уларнинг шахсий тараққиёти учун янги имкониятлар эшигини очса, кейинчалик мамлакатимиз иқтисодий ривож ва интеллектуал капиталга юксалишига қудратли асос бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, “таълим — фан — ишлаб чиқариш — бизнес” занжиринида мутлақо янги сифат босқичи шаклланимоқда. Шу



орқали ҳар бир ёш ўз иқтисод ва қобилиятини тўлиқ намойён этиши мумкин. Демак, янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий кафолати замонавий билим ва касбий малакага эга, инновацион тафаккур билан қуролланган ёшлардир.

Ўзбекистонда ёшларнинг барқарор тараққиётдаги ўрни ва роли давлат сиёсатининг

истикболи, биринчи навбатда, мураббийлар зиммасига юклатилган улуғвор масъулият билан чамбарчас боғлиқ.

Келгуси йилларда мамлакат иқтисодиётининг икки баробар ўсиши кутилмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 130 миллиард долларга етиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 3,5 минг доллардан ошиши таълим ва фан соҳаси учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Иқтисодий ўсиш нафақат ресурс ва захираларни кенгайтиради, балки таълим инфратузилмасига йирик сармоялар йўналтиришга ҳам замин яратади. Бу эса олий ва умумтаълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илмий тадқиқот фойдалиниш қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро стандартларга мос ўқув дастурлари ишлаб чиқиш имконини беради. Шу тариқа иқтисодий ривожланиш билан узвий боғлиқ ҳолда таълим соҳаси ҳам жадал тараққий этади. Демак, янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий пойдевори инсон капитали, яъни билимли, малакали ва инновацион тафаккурга эга ёшлардир.

Йилда илгари сурилган фикрлардан яққол кўринадики, Ўзбекистон таълим тизими жаҳон стандартлари билан уйғунлашиб, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўймоқда. Давлат сиёсатининг устувор мақсади сифатида ёшларни глобал иқтисодий ва технология муҳитида рақобатбардosh мутахассис сифатида тайёрлаш, билим ва кўникмаларини халқаро меzonларга мослаштириш белгиланган.

Шу мақсадда жорий ўқув йилидан Буюк Британиянинг нуфузли “Пирсон” компанияси билан ҳамкорликда ҳудудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури йўлга қўйилди. Маскув дастур мамлакатимиз касбий таълим тизимидаги муҳим инновация бўлиб, у ёшларга халқаро стандартлар асосида чуқур назарий билим ва амалий кўникмалар беришга йўналтирилган. Энг муҳими, дастур орқали талабалар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, энергетика, машинасозлик, биотехнология ва креатив иқтисодиёт каби устувор соҳаларда халқаро эътироф этилган сертификатларга эга мутахассис бўлиб етишади.

Қўшма таълим жараёни таълим мазмунини тубдан бойитиш билан бирга ёшларнинг инновацион фикрлари, креатив тафаккури ва замонавий дунёқарашини ривожлантиришда ҳал қилувчи омилга айланади. Натижада назарий билим билан амалий кўникмалар уйғунлашган, ишлаб чиқариш билан узвий боғланган ва халқаро бозорда рақобатлаша оладиган кадрлар етишиб чиқади. Шубҳасиз, халқаро дастурлар асосида билим олган ёшлар нафақат ички бозорда, балки глобал меҳнат майдонида ҳам ўз ўрнини топа олади. Таълим уларнинг шахсий тараққиёти учун янги имкониятлар эшигини очса, кейинчалик мамлакатимиз иқтисодий ривож ва интеллектуал капиталга юксалишига қудратли асос бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, “таълим — фан — ишлаб чиқариш — бизнес” занжиринида мутлақо янги сифат босқичи шаклланимоқда. Шу

истикболи, биринчи навбатда, мураббийлар зиммасига юклатилган улуғвор масъулият билан чамбарчас боғлиқ.

Келгуси йилларда мамлакат иқтисодиётининг икки баробар ўсиши кутилмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 130 миллиард долларга етиши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 3,5 минг доллардан ошиши таълим ва фан соҳаси учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Иқтисодий ўсиш нафақат ресурс ва захираларни кенгайтиради, балки таълим инфратузилмасига йирик сармоялар йўналтиришга ҳам замин яратади. Бу эса олий ва умумтаълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, илмий тадқиқот фойдалиниш қўллаб-қувватлаш ҳамда халқаро стандартларга мос ўқув дастурлари ишлаб чиқиш имконини беради. Шу тариқа иқтисодий ривожланиш билан узвий боғлиқ ҳолда таълим соҳаси ҳам жадал тараққий этади. Демак, янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий пойдевори инсон капитали, яъни билимли, малакали ва инновацион тафаккурга эга ёшлардир.

Йилда илгари сурилган фикрлардан яққол кўринадики, Ўзбекистон таълим тизими жаҳон стандартлари билан уйғунлашиб, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўймоқда. Давлат сиёсатининг устувор мақсади сифатида ёшларни глобал иқтисодий ва технология муҳитида рақобатбардosh мутахассис сифатида тайёрлаш, билим ва кўникмаларини халқаро меzonларга мослаштириш белгиланган.

Шу мақсадда жорий ўқув йилидан Буюк Британиянинг нуфузли “Пирсон” компанияси билан ҳамкорликда ҳудудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури йўлга қўйилди. Маскув дастур мамлакатимиз касбий таълим тизимидаги муҳим инновация бўлиб, у ёшларга халқаро стандартлар асосида чуқур назарий билим ва амалий кўникмалар беришга йўналтирилган. Энг муҳими, дастур орқали талабалар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, энергетика, машинасозлик, биотехнология ва креатив иқтисодиёт каби устувор соҳаларда халқаро эътироф этилган сертификатларга эга мутахассис бўлиб етишади.

Қўшма таълим жараёни таълим мазмунини тубдан бойитиш билан бирга ёшларнинг инновацион фикрлари, креатив тафаккури ва замонавий дунёқарашини ривожлантиришда ҳал қилувчи омилга айланади. Натижада назарий билим билан амалий кўникмалар уйғунлашган, ишлаб чиқариш билан узвий боғланган ва халқаро бозорда рақобатлаша оладиган кадрлар етишиб чиқади. Шубҳасиз, халқаро дастурлар асосида билим олган ёшлар нафақат ички бозорда, балки глобал меҳнат майдонида ҳам ўз ўрнини топа олади. Таълим уларнинг шахсий тараққиёти учун янги имкониятлар эшигини очса, кейинчалик мамлакатимиз иқтисодий ривож ва интеллектуал капиталга юксалишига қудратли асос бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, “таълим — фан — ишлаб чиқариш — бизнес” занжиринида мутлақо янги сифат босқичи шаклланимоқда. Шу



кат саноатининг инновацион рақобатбардosh-лигини таъминлади.

Таълим тизимини модернизациялаш, уни халқаро стандартларга интеграция қилиш ва ёшларни глобал меҳнат бозори талабларига мос равишда тайёрлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Шу йўл билан мамлакатимизда саноатнинг барқарор ривожланиши учун зарур кадрлар тайёрланади, ёшлар эса инновацион тафаккурга, касбий малака ва замонавий ишлаб чиқариш тажрибасига эга мутахассис сифатида шаклланади.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий кафолати билимли, рақобатбардosh, касбий жиҳатдан етук ёшлардир. Чунки келажак таълим ва педагогга берилаётган эътибордан, жамиятнинг интеллектуал капиталли ҳамда барқарор тараққиёт пойдеворида мужассам.

Ўзлуксиз тизим

Ўзбекистонда ўзлуксиз таълим тизими-га тараққиётнинг муҳим асосларидан бири сифатида қаралмоқда. Кейинги йилларда

қабул қилинган давлат дастурлари ва қатор меъёрий ҳужжатлар мактабгача таълимдан тортиб, олий таълимга қадар ягона ва уйғун тизимни шакллантиришга йўналтирилди. Бу жараённинг дастлабки босқичи сифатида мактабгача таълим соҳасига катта эътибор қaratилди. Агар 2016 йилда қамров даража-си 27 фойздан ошмаган бўлса, бугунги кунда 78 фойзга етди. Яқин йилларда эса қамров 80 фойздан юқори бўлиши кутилмоқда. Бу рақамлар мамлакатда болаларга таълим олиш имкониятлари кенгайиб, уларнинг келгуси босқичлардаги муваффақияти учун мустаҳкам пойдевор яратилаётганини англатади.

Педагоглар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳам тизим ислохотларининг муҳим таркибий қисмига айланди. Охириги йилларда боғча тарбиячилари маоши икки баробар оширилди ва уларнинг моддий манфаатдорлиги мактаб ўқитувчилари даражасига етказилди. Шу орқали педагог ўз касбини соф ижтимоий миссия эмас, балки ҳаёт учун муносиб даромад манбаи сифатида ҳам қабул қилиши мумкин бўлди. Бу ҳолат кадрлар сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда: ҳар йили камида ўн минг тарбиячининг олий маълумот олиши натижасида мутахассислар етимишмовчилиги босқичма-босқич бартараф этиляпти.

Янги қабул қилинган қарорлар мактаб таълимнинг мазмун-моҳиятига жиддий ўзгаришлар олиб келмоқда. Жумладан, мактаб маслаҳатчи лавозими жорий этилиши 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаш имконини беради. Бу орқали ўқувчи ўз йўналишини эртароқ белгилайди ва 9-синфдан кейин техникум ёки умумтаълим мактабини тан-лайди. Бундай тизим, аввало, таълимнинг амалий йўналтирилганини кучайтиради, иккинчидан, ёшларнинг вақт йўқотмасдан, ўз келажак касбига аниқ қадам ташлашига шароит яратади.

Янги қабул қилинган қарорлар мактаб таълимнинг мазмун-моҳиятига жиддий ўзгаришлар олиб келмоқда. Жумладан, мактаб маслаҳатчи лавозими жорий этилиши 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаш имконини беради. Бу орқали ўқувчи ўз йўналишини эртароқ белгилайди ва 9-синфдан кейин техникум ёки умумтаълим мактабини тан-лайди. Бундай тизим, аввало, таълимнинг амалий йўналтирилганини кучайтиради, иккинчидан, ёшларнинг вақт йўқотмасдан, ўз келажак касбига аниқ қадам ташлашига шароит яратади.

Янги қабул қилинган қарорлар мактаб таълимнинг мазмун-моҳиятига жиддий ўзгаришлар олиб келмоқда. Жумладан, мактаб маслаҳатчи лавозими жорий этилиши 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаш имконини беради. Бу орқали ўқувчи ўз йўналишини эртароқ белгилайди ва 9-синфдан кейин техникум ёки умумтаълим мактабини тан-лайди. Бундай тизим, аввало, таълимнинг амалий йўналтирилганини кучайтиради, иккинчидан, ёшларнинг вақт йўқотмасдан, ўз келажак касбига аниқ қадам ташлашига шароит яратади.

Янги қабул қилинган қарорлар мактаб таълимнинг мазмун-моҳиятига жиддий ўзгаришлар олиб келмоқда. Жумладан, мактаб маслаҳатчи лавозими жорий этилиши 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаш имконини беради. Бу орқали ўқувчи ўз йўналишини эртароқ белгилайди ва 9-синфдан кейин техникум ёки умумтаълим мактабини тан-лайди. Бундай тизим, аввало, таълимнинг амалий йўналтирилганини кучайтиради, иккинчидан, ёшларнинг вақт йўқотмасдан, ўз келажак касбига аниқ қадам ташлашига шароит яратади.

Ушбу янгилıklar ўзлуксиз таълимнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлайди. Масалан, олийгоҳга кириш имкониятига эга бўлмаган 200 мингдан зиёд ёш учун техникумларда қисқа муддатли дастурлар асосида касб эгаллашга шароит яратилади. Бу орқали ёшлар таълим тизимидан четда қолиб кетмайди, уларда меҳнат бозори талабига жавоб берувчи амалий кўникмалар шаклланади. Ҳеч бир ёш билим ва касбсиз қолмайди деган гоя давлат сиёсатининг асосий йўналишига, мактабдан техникумга ўзлуксиз ўтиш тизими инсон капиталли сифати ошиши кафолатига айланимоқда.

Техникум ва касбий таълимда янгилıklar

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, касб-хунар таълими иқтисодий ривожланиш ва инсон капиталли сифати учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Хусусан, Хитой, Япония, Германия каби давлатларда бу соҳанинг қўллаб-қувватлиниш саноат ва технологиядаги юқори натижаларни таъмин-ламоқда. Чунончи, Германиянинг дуал таълим тизими йўналишидаги тажрибаси қўллаб-қувватлаш, жумладан, АҚШда тажриба сифатида қўлланилиб келади, техникумлар ва олий таълимга жорий қилинган.

Ўзбекистонда ҳам техникум ва касбий таълим тизимига берилган устувор эътибор келгусида муҳандислик соҳаси ва тадбир-корликни ҳудудлар кесимида кенгайтириш, маҳаллий иқтисодиётда инновация ва рақобатбардoshлиқни кучайтиришга замин ярат-моқда.

Йилда илгари сурилган фикрлардан яққол кўринадики, Ўзбекистон таълим тизими жаҳон стандартлари билан уйғунлашиб, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўймоқда. Давлат сиёсатининг устувор мақсади сифатида ёшларни глобал иқтисодий ва технология муҳитида рақобатбардosh мутахассис сифатида тайёрлаш, билим ва кўникмаларини халқаро меzonларга мослаштириш белгиланган.

Шу мақсадда жорий ўқув йилидан Буюк Британиянинг нуфузли “Пирсон” компанияси билан ҳамкорликда ҳудудлардаги 14 та техникумда “БИТЕК” халқаро дастури йўлга қўйилди. Маскув дастур мамлакатимиз касбий таълим тизимидаги муҳим инновация бўлиб, у ёшларга халқаро стандартлар асосида чуқур назарий билим ва амалий кўникмалар беришга йўналтирилган. Энг муҳими, дастур орқали талабалар туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, энергетика, машинасозлик, биотехнология ва креатив иқтисодиёт каби устувор соҳаларда халқаро эътироф этилган сертификатларга эга мутахассис бўлиб етишади.

Қўшма таълим жараёни таълим мазмунини тубдан бойитиш билан бирга ёшларнинг инновацион фикрлари, креатив тафаккури ва замонавий дунёқарашини ривожлантиришда ҳал қилувчи омилга айланади. Натижада назарий билим билан амалий кўникмалар уйғунлашган, ишлаб чиқариш билан узвий боғланган ва халқаро бозорда рақобатлаша оладиган кадрлар етишиб чиқади. Шубҳасиз, халқаро дастурлар асосида билим олган ёшлар нафақат ички бозорда, балки глобал меҳнат майдонида ҳам ўз ўрнини топа олади. Таълим уларнинг шахсий тараққиёти учун янги имкониятлар эшигини очса, кейинчалик мамлакатимиз иқтисодий ривож ва интеллектуал капиталга юксалишига қудратли асос бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, “таълим — фан — ишлаб чиқариш — бизнес” занжиринида мутлақо янги сифат босқичи шаклланимоқда. Шу

қабул қилинган давлат дастурлари ва қатор меъёрий ҳужжатлар мактабгача таълимдан тортиб, олий таълимга қадар ягона ва уйғун тизимни шакллантиришга йўналтирилди. Бу жараённинг дастлабки босқичи сифатида мактабгача таълим соҳасига катта эътибор қaratилди. Агар 2016 йилда қамров даража-си 27 фойздан ошмаган бўлса, бугунги кунда 78 фойзга етди. Яқин йилларда эса қамров 80 фойздан юқори бўлиши кутилмоқда. Бу рақамлар мамлакатда болаларга таълим олиш имкониятлари кенгайиб, уларнинг келгуси босқичлардаги муваффақияти учун мустаҳкам пойдевор яратилаётганини англатади.

Педагоглар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳам тизим ислохотларининг муҳим таркибий қисмига айланди. Охириги йилларда боғча тарбиячилари маоши икки баробар оширилди ва уларнинг моддий манфаатдорлиги мактаб ўқитувчилари даражасига етказилди. Шу орқали педагог ўз касбини соф ижтимоий миссия эмас, балки ҳаёт учун муносиб даромад манбаи сифатида ҳам қабул қилиши мумкин бўлди. Бу ҳолат кадрлар сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда: ҳар йили камида ўн минг тарбиячининг олий маълумот олиши натижасида мутахассислар етимишмовчилиги босқичма-босқич бартараф этиляпти.

Янги қабул қилинган қарорлар мактаб таълимнинг мазмун-моҳиятига жиддий ўзгаришлар олиб келмоқда. Жумладан, мактаб маслаҳатчи лавозими жорий этилиши 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятини аниқлаш имконини беради. Бу орқали ўқувчи ўз йўналишини эртароқ белгилайди ва 9-синфдан кейин техникум ёки умумтаълим мактабини тан-лайди. Бундай тизим, аввало, таълимнинг амалий йўналтирилганини кучайтиради, иккинчидан, ёшларнинг вақт йўқотмасдан, ўз келажак касбига аниқ қадам ташлашига шароит яратади.

Бир пайтлар абитуриент учун олийгоҳга ҳужжат топшириш мураккаб ва оғир жараён эди. Турли идора ва муассасалардан маълумотномалар йиғиш, узок йўл босиб ўтиб, қабул комиссиясида кунлаб навбатда туриш талаб этиларди. Бугун эса рақамли давлат бошқарувига ўтиш ва академик регистра-ция тизими жорий этилиши нафақат инсон омилини, балки қозғовозлик ва бюрократик тўсиқларни ҳам кескин қисқартирди. Шу билан бирга, таълим соҳасидаги коррупция ҳолатларига институционал нуқта қўйилди.

Сўнгги йиллардаги кенг қўлмали ислохот-лар натижасида олий таълим тизими мисли кўрилмаган суръатда ривожланди. 2016 йил-да мамлакатимиздаги олийгоҳлар сони 77 та бўлган, бугун эса 202 тага етди. Талабалар контингенти эса 250 мингдан 1,5 миллион на-фаргача қўйилди. Бу ўзгаришлар ёшлар учун таълим эшикларини кенг очди, “ўқишга ки-ритиб қўйиш” каби иллатларни йўқотди, жа-миятда билим орқали юқори маррага чиқиш имкониятини мустаҳкамлади.

Шу билан бирга, профессор-ўқитувчилар моддий манфаатдорлиги кескин оширилди. Маошлар кўтарилиши натижасида олийгоҳ-ларда ишлаш нафақат обрўли, балки ёш кадр-лар учун орзу қилинадиган касбга айланди. Бу ҳолат кадрлар сифати ошишига, илмий тадқиқот ишлари ва таълим жараёни халқаро андозаларга яқинлашишига хизмат қилмоқда.

Олий таълимдаги ислохотлар туфайли ҳо-зир юртимиздаги бир неча университет ну-фузли халқаро рейтингларда ТОП-1000 талик рўйхатга киргани қувонарли ҳолдир. Йилда-да таъкидланганидек, яқин йилларда Ўзбекис-тондаги камида 10 та олийгоҳ дунё рейтингла-ридаги ТОП-1000 талик рўйхатдан жой олиши режалаштирилган. Бу мақсадга эришиш учун ахборот технологиялари, сунъий интеллект, агротехнология, тиббиёт ва “яшил” энергетика каби стратегик йўналишларда халқаро қўш-ма дастурлар амалга оширилади. Шунингдек, дунёдаги нуфузли университетлар филиалла-рини очиб орқали талабалар халқаро миқёсда тан олинadиган билим ва малакага эга бўлиш имкониятига эришади. Бундай чора-тадбирлар мамлакатимизни минтақавий таълим ва фан марказига айлантиришга муҳим қадамдир.

Келгусида хорижий талабалар сони камида беш баробар қўйилайи, таълим экспорти ҳаж-ми 200 миллион долларга етиши кутилляпти. Бу эса иқтисодиёт учун қўшимча ресурс манбаи бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга, Ўзбекис-тоннинг халқаро нуфузини оширади.

Шу тариқа олий таълим тизими нафақат билим олиш маскани, балки фан, инновация ва илмий-тадқиқот марказига айланиб бор-моқда. Бу жараён янги Ўзбекистон тарақ-қиёти учун кучли интеллектуал пойдевор яратиб, жамиятнинг барқарор ривожланиши ва глобал рақобатта тайёр авлодни шакллан-тиришга замин яратади.

Янги Ўзбекистонни қуришдек тарихий йўл-да таълим соҳаси барча ислохотлар марказида турибди. Давлат сиёсатининг ўзлуксиз устувор йўналиши сифатида мактабгача таълимдан тор-тиб, олийгоҳгача, техникумлардан тортиб, ил-мий-тадқиқот институтларигача бўлган барча бўғинлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўта-рилмоқда. Бу жараён, аввало, инсон капиталига қаратилган давлат сиёсатининг изчиллиги ва ўзлуксизлиги билан изохланади.

Ҳозирги пайтда таълим тизими нафақат билим бериш функциясини бажармоқда, бал-ки ёш авлоднинг ижодкорлик салоҳиятини ривожлантириш, инновацион гояларини қўл-лаб-қувватлаш ва уларни халқаро меҳнат бо-зорида рақобатбардosh мутахассис сифатида тайёрлашда ҳал қилувчи ўрин тутмоқда.

Таълим сифати, профессор-ўқитувчи-лар, устоз ва мураббийлар нуфузи ҳамда педагоглар манфаати давлат сиёсатида энг устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу эса жамиятда ўқитувчи шахсига бўлган ҳурмат ва эътиромни янада юксалтирмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўз-бекистонда энг ҳурматли инсон — ўқитув-чи, энг муқаддас соҳа — таълимдир”.

ЧЕМПИОН ТАДБИРКОРЛАР

ҚАНЧА КЎП БЎЛСА, ШУНЧА ЯХШИ



“Кейинги бир йил ичида 1600 та микро корхона савдо айланмасини 10 миллиард сўмдан ошириб, ўрта корхонага, 143 таси эса 100 миллиард сўмдан ошириб, йирик корхонага айланди. Яна 122 та кичик корхона олдинга икки қадам сакраб, йирик бизнес сафига қўшилди.

муддатда катта-катта компаниялар билан рақобат қила бошлади. Масалан, кейинги бир йил ичида 1600 та микро корхона савдо айланмасини 10 миллиард сўмдан ошириб, ўрта корхонага, 143 таси эса 100 миллиард сўмдан ошириб, йирик корхонага айланди. Яна 122 та кичик корхона олдинга икки қадам сакраб, йирик бизнес сафига қўшилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 20 август куни тадбиркорлар билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқида бу борадаги рақамларга алоҳида тўхтади. “Ўтган йили обороти 1 триллион сўмдан ошган 203 та корхона бор эди. Бу йилнинг ўтган олти ойида уларга қўшимча яна 47 та корхона 400-500 миллиард сўмлик маррани забт этди. Насиб қилса, йил якунигача улар ҳам бемалол “триллиончилар” сафига қўшилиди”, дея таъкидлади.

Бу “чемпион” тадбиркорлар сафи янада кенгайди дегани. Ишбилармонлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан қўзланган мақсад ҳам шу: бизнес эгалари ривожланишдан тўхтамасин, аксинча, иш фаолиятини янада кенгайтириб илгор тадбиркорлар қаторига қўшилсин. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес субъектларини йириклаштиришга оид янги дастур ишга туширилган ва бизнес

эгалари орасидан “чемпион” тадбиркорлар рўйхатини шакллантириш бошланган. Хўш, бундай тадбиркорлар сафига кимлар қиради, мезонлари, кўрсаткичлари қандай?

Бундай тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётганидан халқимиз ҳам нафаатдор. Йирик бизнесга эга ишбилармонлар қанча кўп бўлса, жойларда шунча кўп иш ўринлари пайдо бўлади, ишлаб чиқариш қувватлари ошиб, ҳудудлардаги бунёдкорлик ва ривожланишлар кўлами кенгайди. Одамларнинг турмуш фаровонлиги, яшаш тарзи янада яхшиланади. Бугун ана шундай катта бизнесга эга ишбилармонларга алоҳида эътибор қаратилаётгани, меҳнатлари эътироф этилиб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатилаётгани боиси шунда.

МАҚСАДИМИЗ — МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

Шўхрат МУРАТОВ,
Қарши шаҳридаги “Alp texno servis” корхонаси раҳбари



Тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимда мақсадларим катта эди. Аммо бунга эришиш осон бўлмас керак деб ўйлагандим. Ахир у пайтлари бирор ишни бошлаш учун турли ҳужжатларни тайёрлашингиз, бир қанча қоғозбозликларга чидашингиз керак бўларди. Мабодо банкдан кредит олишга тўғри келиб қолса, қатнайвериб, охири бу фикрдан қайтмишга мажбур бўлмай иложингиз йўқ эди. Шу боис, бизнес билан шуғулланиш учун кўпчилик ҳафсала қилмасди.

Бугун тадбиркорлар бундай муаммолар ҳақида ўйламайди, бонси, уларнинг барчасига барҳам берилди. Ҳозир замонавий лойиҳалар, фаолиятимизни кенгайтириш, янги бозорларга чиқиш ҳақида ўйлаймиз. Корхонамиздаги янги лойиҳалар ҳам ишмизни кенгайтиряпти. Дастлаб компьютер устачилигини йўлга қўйдик. Кейинчалик компьютер жиҳозларини сотиб олиб, шу ерда териниш бошладик.

Орадан бир оз вақт ўтиб, телевизор ишлаб чиқариш лойиҳасига қизиқиб қолдим. Бу борада хорижлик ишбилармонлар билан маслаҳатлашдик. Йирик корхоналарда бўлиб, тажриба оширдик. Ҳаракатларимиз натижа берди. Тез орада ўз бреднингиз остида ишлаб чиқарган телевизорларимиз нафақат ички бозор, балки хорижга ҳам сотила бошланди.

Айни пайтда заводимиз йирик экспортчи корхоналардан бирига айланган. Қиймати 10 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа асосида маҳаллий “SMART” брендига асос солидик. Йилгига 500 мингтача телевизор ва электрон плита ишлаб чиқарилмоқда. Қолаверса, хорижий

“TCL”, “HOFFMANN” брендлари учун буюртмалар тайёрлаб берамиз.

Маҳсулотлар юқори технологик сифати ва дизайн бозор талабига мос экани билан харидориги. Товарларнинг 70 фоизи хорижга экспорт қилиняпти. Ўтган йили экспорт ҳажми 2 миллион доллардан ошган, бу йилги режамиз 10 миллион доллар.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа маҳаллийлаштириш кўрсаткичини оширишдан иборат. Ҳозир корхонамизда бу кўрсаткич 50 фоиздан юқори. Келгусида 20 миллион долларлик яна 4 та лойиҳани амалга ошириб, чангюттич, электр чойнак, ҳаво совиткич, вентилятор ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Буларнинг натижасида йилгига 30 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Айни пайтда корхонамизда 200 киши иш билан таъминланган. Шунингдек, Қарши давлат техника университети билан дуал таълим йўлга қўйилган. Бунда таълим билан амалиёт бирга олиб борилиб, тайёр мутахассислар корхонамизга жалб қилинади.

ИШБИЛАРМОНГА ИМКОНИЯТЛАР БИСЁР

Рустамхон ЖЎРАЕВ,
Фарғона шаҳридаги “Zhongming Metal Products” МЧЖ таъсисчиси, “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони соҳиб



Тадбиркорлик фаолиятини 2008 йилда пойабзал ишлаб чиқаришдан бошлаганман. Хитойдан дастхона олиб келиб, 300 та иш ўрни яратгандик. Аммо иш осон кечмаган, у вақтларда тадбиркорга бўлган муносабат, эътибор бугунгидай эмасди. Битта лойиҳани амалга ошириш учун турли идоралардан рұхсатнома олиш, қоғозбозликлар ортидан узоқ сарсон бўлишимизга тўғри келган. Ишлаб чиқаришга сармоя киритмоқчи бўлган инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаати конун билан ҳимояланмаган. Зарур инфратузилма тармоқлари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганларга ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган шахс сифатида қарашлар бўлган. Ҳамма бир нарсадан умидвор, оғзингизни “пойларди”. Масалани тинглаб, ёрдам бергучи, ташаббусни қўллаб-қувватловчилар йўқ эди.

2016 йилдан кейин юртимизда тадбиркорга ҳам, тадбиркорликка ҳам муносабат буткул ўзгарди, очиклик сийсати кирди келди, ўзаро мулоқот майдони шаклланди. Ишлайман деганга барча шароит, имконият, имтиёзлар берилди. Дастлаб кичик ишлардан бошланган сай-ҳаракатларимиз катта лойиҳаларга йўл очди. Бугун ўз меҳнатимиз билан эришганларимиздан нафақат моддий манфаат, балки маънавий қаноат ҳам топиамиз, одамлар қорига бакор келяпмиз. Бу ўз-ўзидан амалга оширилаётгани йўқ, албатта.

Фаолиятимиз ривожига қўллаб-қувватловнинг ўрни катта. Президентимиз бизни нафақат тадбиркор, балки давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ҳудудлар ободлиги йўлида самарали хизмат қилаётган ислохотчи сифатида қадрлаб, ҳурмат-иззат кўрсатаяпти. Ҳар йили тадбиркорлар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат билан ишбилармонлар ўртасида ҳамжиҳатлик ришталари богланди. Натижада кўплаб янги ишлаб чиқариш корхоналари курилди, инвесторлар оқими кенгайди, инвестициялар миқдори ошди.

Корхонамиз кўп тармоқли. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишларига умумий қиймати 35 миллион доллардан ортиқ сармоя киритганмиз. Кунлик қуввати 200 тонна бўлган металл буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини йўлга қўйиб, 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратдик. Шаффоф ишлашга, солиқларни ўз вақтида тўлашга интиламиз. Фаолиятимиздаги ҳар бир тўғри ҳаракатимиз рейтинг асосида баҳоланиб, қўшимча рағбатга асос бўлаяпти. Илгор тадбиркорлар сифатида эътироф этиляпмиз.

Бизга берилаётган имконият, шароит ва имтиёзларга муносиб жавоб беришимиз керак. Мамлакат тараққиёти, халқ манфаати йўлида ҳамжиҳат бўлиб хизмат қилиш олий қадриятга айланиши лозим. Бугун тадбиркорларимиз ҳалол меҳнати билан шунга ҳаракат қилаётгани, бозорда соғлом рақобат шаклланиб, ишбилармонлар давлатимиз раҳбари бошчилигида бир кучга айлангани кишини қувонтиради.

Жорий йилги Тадбиркорлар куни мен учун янада қувончли келди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида кўра “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирландим. Тўғриси, бундай эътибор, рағбатни кутмаган эдим. Мукофот қалбимга қувонч, ифтихор туйғуларини олиб кирди, масъулият ҳиссини оширди. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги йўлида озми-кўпми меҳнат қилиб, қадр топиғимдан қувондим. Инсон учун ҳаётда энг тўғри йўл Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш эканига ишонч ҳосил қилдим.

БИЗНЕС УЧУН ҚУЛАЙ МАНЗИЛ

Махира МАМУТОВА,
“Cake Bumer Pastry” оилавий корхонаси раҳбари



Ҳар қандай катта бренд ортида инсон иродаси, сабри ва меҳнати туради. Ўз меҳнатим туғайли минглаб инсонларнинг кундалик ҳаётига қувонч олиб кириш билан бирга юзлаб аёллар ва ёшлар учун барқарор иш ўринларини яратишга имкон топдим.

Қолаверса, давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган сийсат, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, бизнес вакиллари учун рўйхатдан ўттишдан тортиб, солиқ соҳасидаги енгилликлар, кредит ва ер ажратишлиши сингари кўплаб имтиёзлар бизни янада кўпроқ ишлашга ундаяпти.

Давлатимиз раҳбари нутқларининг бирида “Қорақалпоғистонга инвестиция киритиб, бизнес қилишингиз бошқа ҳудудларга нисбатан 3 та устунилик бор. Биринчиси — Қорақалпоғистонда бизнес учун бирорта ҳудудга йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар пакети жорий этилган. Иккинчиси — Қорақалпоғистонда ер ажратишининг содда тизими жорий этилган. Учинчиси — катта бозорларга чиқиш учун энг қулай ҳудудимиз бу — Қорақалпоғистон”, деган эди. Ҳақиқатан, бугун Қорақалпоғистонда тадбиркорлик қилиш учун имконият ва шароитлар катта. Одамлар бундан фойдаланаяпти ҳам. Биргина

“Қорақалпоғистонда бизнес қилинг!” дастурининг қабул қилиниши ҳудудларда ўнлаб, юзлаб янги тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлишига йўл очаяпти.

Ўзим тадбиркорлик фаолиятини 2007 йилда йўлга қўйганман. Хўжайли туманидаги кичик цехда турли хилдаги қандолат маҳсулотлари чиқара бошладик. Улар ўзига хос рецептураси ва чиройли кўриниши билан маҳаллий бозорда тез машҳур бўлди. Бир йиллик меҳнатимиз маҳсули ўлароқ катта тармоққа асос солинди. 2013 йилда эса Нукус шаҳрида биринчи савдо шохобчасини очдик. Бу воқеа компания учун янги босқич бўлди ва миллий бренд халққа ақинлашди.

“Cake Bumer” брендини яратиш йўли осон бўлмади. Молиявий қи-

йинчиликлар, бозордаги рақобат, сифат талаблари — буларнинг барчаси катта сабр ва матонат қатт қилди. Аммо қийинчиликлардан чўчимадим. Аксинча, уларни янги имкониятга айлантиришга ўзимда куч ва ирода топа олдим.

2018 йилдан “Cake Bumer” замонавий ишлаб чиқариш цехлари фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳозир Нукус, Хўжайли ва Қўнғиротда жами 5 та савдо ва умумий оватланиш шохобчаларимиз фаолият юритмоқда. Компанияда 100 дан зиёд расмий иш ўрни яратилган. 30 дан ортиқ меҳнат мухожирини чет элдан қайтариб келиб, барқарор иш билан таъминладим. Ҳодимларимизнинг 80 фоиздан ортигини аёллар ташкил қилди.

Йирик бизнеснинг машаққати ҳам, муаммолари ҳам катта бўлади. Аммо унинг ортидан халқимизга, юртдошларимизга тегаетган фойдани йўлаганимизда барча қийинчиликлар унутилади. Жорий йилда давлатимиз раҳбари томонидан “Шўхрат” медали билан мукофотланганимиз бизнесга бўлган меҳримни янада оширди. Бундай рағбат ва ишонч бизни руҳлантиради, кўпроқ ишлашга, янги лойиҳаларга ундайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси томонидан топширилган “Ватан фидойиси” кўкрак нишони ҳам қўшимча рағбат белгисидир. Бу мукофот ва балки йирик қандолат бренди ортида турган юзлаб ишчилар меҳнатига берилган юксак баҳодир.

ҲАР ҚАРИЧИ ОЛТИНГА ТЕНГ

Турғун КҮЧКУНОВ,
Фориш туманидаги “Basalt Uzbekistan” кластери асосчиси



Фориш ҳудуди жиҳатидан вилоятдаги энг катта туман бўлишига қарамай, ердан фойдаланиш самарадорлиги шу пайтгача анча паст бўлган. Адир ва яйловларда асосан чорва боқилиб, саноат корхонаси бўлмаган. Кейинги йилларда бу манзил катта ўзгаришлар майдонига айланди. Бир томони Нурота тоғлари бағрини, иккинчи томони Қизилқум кенгликларини эгаллаган ҳудудда гигант саноат корхоналари бунёд этилиб, қишлоқлар обод, одамлар турмуши фаровон бўлмоқда.

Мамлакатимиз табиий бойликларидан самарали фойдаланиш, қолаверса, тадбиркорликка кенг йўл очилиши ортидан саноат корхоналари сони ҳам ортиб бормоқда. Ўзим ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, бундан минг йиллар олдин пайдо бўлган тоғлар бағрида ястаниб ётган базальт тошларидан рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳасига асос солдим. Туман ҳудудида базальт тошини қазиб олиб, ундан тола тайёрлашни йўлга қўйдик. Корхонада дастлаб инновацион технология асосида қурилиш саноати учун муҳим бўлган арматура ва сакталар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Кейинчалик маҳсулотлар тури кўпайиб борди.

2019 йил январь ойида давлатимиз раҳбарининг корхонамизга ташрифи ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда маҳсулотлар турини ошириш бўйича топшириқлари ҳам масъулият, ҳам рағбат берди. Бозордаги талаб ва янги хомашё конларини ўрганиб, Европадан энг замонавий технологияларни олиб келдик. 300 гектар майдонда умумий қиймати қариб ярим миллиард долларлик олпига лойиҳа йўлга қўйилиб, корхона кластерга айлантирилди.

Айни пайтда корхоналаримиз сони олти-та. Уларда йилгига 177 минг тонна базальт тошидан махсус тола, директ ровинг, фибра, арматура, композит геосетка, қувурлар, мато ва

иссиқлик-изоляция плиталари каби маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Бу маҳсулотларга мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам талаб юқори. Уларнинг 80 фоиздан ортиги АҚШ, Европа ва МДҲ мамлакатларига экспорт қилинади. Бу ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга имкон бермоқда. Биргина 2024 йилда қиймати 600 миллирд сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Жорий йилда ушбу қувватни янада оширишни режалаштирганмиз.

“Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа маҳаллийлаштириш кўрсаткичини оширишдан иборат. Ҳозир корхонамизда бу кўрсаткич 50 фоиздан юқори. Келгусида 20 миллион долларлик яна 4 та лойиҳани амалга ошириб, чангюттич, электр чойнак, ҳаво совиткич, вентилятор ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Буларнинг натижасида йилгига 30 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Ушбу топшириқлар ижроси бўйича кластернинг янги ривожланиш дастури қабул қилинди. Жорий йилда 25 минг тонна базальт тошидан тола ва мато ишлаб чиқариш қувватига эга “Басфидер трейд” корхонасини ишга туширдик. Мазкур лойиҳа асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 90 фоизи экспортга йўналтирилади.

Айни пайтда кластеримизда икки мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган. Бу тумандаги шунча оила барқарор иш ҳақи билан таъминланаяпти дегани. Бирорта йирик саноат иншооти бўлмаган туманда йирик ишлаб чиқариш мажмуасининг барпо этилиши аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Бунга мустакиллигимиз шарофати билан ўз еримизга, Конституциямизда битилганидек, ер усти ва ер ости бойликларимизга ўзимиз эгалик қилаётганимиз туғайли эришдик, десам муволаба бўлмайди.

Юртимизнинг ҳар қарич ери олтинга тенг. Ватанимизда қазилма бойликларни сероб. Бугун мамлакатимизда турли соҳаларда мисли қўйилмаган ислохотлар амалга ошириляпти. Энг муҳими, ушбу ишлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланади. Ислохотларнинг илк самаралари юртдошларимиз ҳаёти ва кундалик турмушида намоён бўлмоқда, аҳолининг ижтимоий фаолигини, эртанги кунга ишончи ошиб бормоқда.

ОЛИЙГОҲЛАРДА БЎЛАЖАК ФИДОЙИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАШФ ЭТАДИ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдида давлатимиз раҳбари Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институтига таширф буюриб, соҳа вакиллари билан мулоқот қилган эди. Сухбатда бугун таълим ва тарбия соҳасидаги барча ўзгаришлар марказида билимдон, ижодкор, ватанпарвар ва жонкуяр муаллим шахси туриши кераклиги таъкидланган. Тизимда эришилаётган муваффақиятлар қатори 2024 йилда сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ёрдамида ўтказилган аттестация жараёнларида 21 минг педагог малака бўйича етарли балл тўплай олмагани эса афсус билан айтилганди.

Бундай ҳолатлар ўқувчиларнинг билимига салбий таъсир кўрсатишидан келиб чиқиб, таълим сифатини янги босқичга кўтариш бўйича 7 та йўналишда вазифалар белгилаб олинди. Ана шу вазифалар доирасида Президентимиз педагогика йўналишида тахсил олаётган

иқтидорли талабалар учун Авлоний номидаги стипендия ташкил этиш ташаббусини билдирди. Зеро, бу орқали бўлажак фидойи ўқитувчилар, энг илгор педагогларни кашф қилиш мумкин. Шу боис, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги олийгоҳ

талабалари учун Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендияси таъсис этилди. Яқинда Президентимизнинг бу борадаги фармони ҳам имзоланди. Нуфузли стипендиялар сафи яна биттага кенгайди.

Мамлакатимизда Авлоний стипендиясига қадар олийгоҳ талабалари учун қандай давлат стипендиялари бор эди?

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тақдим этган маълумотларга кўра, тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётган ва бутун ўқиш даврида аъло баҳо-ларга ўқиган охириги ўқув йили талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси таъсис этилган. Унинг сони магистратура мутахассисликлари бўйича жами 22 та, бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ҳар бир олий таълим муассасаси учун биттадан белгиланган.

Шунингдек, талабалар учун Беруний (техника йўналишларида), Ибн Сино (тиббиёт йўналишларида) Навоий (гуманитар йўналишларида), Камолiddин Бехзод (тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида), Улугбек (табиий йўналишларида), Худойберган Девон (кинематография йўналишларида), Паҳлавон Маҳмуд (жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида), Имом ал-Бухорий (Ўзбекистон халқаро ислом академиясида) стипендиялари таъсис этилган.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида Тўлепберген Қайиббергенов ва Ибройим Юсупов, барча йўналишларида Ислам Каримов номидаги давлат стипендиялари талабаларга тўлаб келинапти.

Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендиясини қимлар олиши мумкин?

Президентимиз фармони асосида мазкур стипендия педагогика йўналишидаги ҳар бир олий таълим ташкилотининг бир нафар охириги икки курс талабасига тайинланади. Фармонга мувофиқ, стипендия жорий ўқув йилидан бошлаб йўлга қўйилади. Унинг миқдори ойига 1 миллион 461 минг 28 сўм этиб белгиланган. Айтиш керакки, стипендия педагогика йўналишидаги мавжуд 13 та олийгоҳнинг 74 минг 480 нафар охириги икки курс талабаси номзод бўлиши мумкин.

Барно АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон миллий педагогика университети ўқитувчиси:

— Бу йил муборак 90 йиллигини нишонлаётган отахон олийгоҳимизда тахсил олаётган 20 минг талаба орасида буюк аждодимизнинг муносиб ворислари кўп. Насиб қилса, биз Абдулла Авлонийнинг асл издошларини аниқлашда қийналмаيمиз. Негаки билим даргоҳимизда ҳар йили аллома ҳаёти, фаолияти бўйича танловлар ўтказамиз. Барча факультетлардан талабаларимиз бу танловларга катта қизиқиш

билдиради. Шунингдек, Абдулла Авлонийнинг Адиллар хиебонадаги рамзий сиймоси олдида мунтазам тадбирлар ташкил этиб келишимиз. Бу ҳам қайсидир маънода Абдулла Авлоний стипендияси совриндорларини ҳолис аниқлашимизга хизмат қилади.

Олийгоҳ талабалари билан учрашувда шуни сездикки, озгина эътибор, салгина рағбат инсонни руҳлантиради, янги максадлар сари йўллаб, ҳаётини яхши томонга ўзгартиришга туртки бўлади. Талабалар давлатимизнинг Абдулла Авлоний шахсига бундай ҳурматни янги Ўзбекистон таълим тизимига юксак эътибор дея баҳолаётгани қувонарли.

Райҳона ТИЛЛАЕВА, Наманган давлат университети филология кафедраси мудири:

— Ўзбекистонда педагогика соҳасида таълим олаётган ёшлар учун том маънода тарихий аҳамиятга эга янги ташаббус кучга кирди. Бу ёшларимиз учун яна бир имконият. Зеро, бугунгача техник, тиббий, гуманитар ва яна қўллаб йўналишларида давлат стипендиясини олиш имкони бор эди. Педагогика йўналиши талабалари учун эса алоҳида стипендия мавжуд эмасди. Янги фармон бу бўшлиқни тўлдириб, бўлажак ўқи-

тувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилди.

Мазкур қарор педагог кадрлар салоҳиятини оширишда, билимни ва замонавий фойдаланган авлоднинг тарбиялашда муҳим омил бўлади. Бу эса таълим ислохотларининг изчил давоми сифатида намоён бўлмоқда. Шу тариқа Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендияси педагогика йўналиши талабалари учун катта шараф ва масъулият бўлиб хизмат қилади. Янги стипендия нафақат моддий рағбатлантириш воситаси, балки педагогик соҳа нуфузини юксалтириш, ёшларни ушбу йўналишга кенгрок жалб этишда ҳам муҳим омилга айланиши шубҳасиз.

Гуллола ТҶИМУРОВА, Ўзбекистон миллий педагогика университети магистранти:

— Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендиясини ташкил этиш ташаббуси, аввало, Ўз вақтида миллий маорифимизга жон фидо қилган миллиятдошимиз руҳига чекис ҳурмат белгиси. Мазкур стипендия биз, ёшларнинг илмий изланишларимиз учун қўллов, рағбат бўлиб хизмат қилиши қўтилкоқда. Бу орқали замон талабларига мос кадрлар етишиб чиқишига замин яратиб кўзда тутилган экан, ушбу эзгу ният йўлида астойдил ҳаракат қиламиз. Зеро, бугунги талабаларга яратилаётган бошқа шароити имтиёзлар ҳам ёшлар олдига фақат ўқиш, ўз устида ишлаш мақсадини қўйяпти. Порлоқ келажагини ўз соҳасида кўра олган талаба ўз-ўзидан яхши ўқийди ва бунинг ортидан номдор стипендияларга сазовор бўлаверади. Яъни билим бўлса, пулниинг ўзи унинг ортидан боради. Шунинг учун бор эътиборни пухта билим олишга қаратиш керак.

Бугун тажриба тариқасида мактабларда педагогик касбига қизиққан 10-11-синф ўқувчилари учун алоҳида синфлар ташкил этилаётгани, келажақда ушбу синфларни тамомлаган ўқувчилар шу йўналишдаги олийгоҳларга қирса, уларга 2-курсдан мактабга бориб, касбий маҳоратини ошириши учун имконият яратилиши ҳам ҳеч бир даврда бўлмаган янгиллик. Алоҳида қобилиятга эга талабаларга дарс ўтгани учун ойлик тўлиниши эса — чинакам ғамхўрлик.

Ҳа, таълим сифатини оширишга интилар эканмиз, бунинг учун, аввало, ўқитувчиларимизнинг билим даражаси, маҳоратини ўстиришга эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас. Зеро, сабоқ бергувчиларнинг ўзи юқори саводга эга бўлсагина, зукко, баркамол шоғирдлар етишилади. Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендиясини таъсис этишдан асосий мақсад ҳам шу. Мазкур стипендия чиндан ҳам алломанинг ўзи каби таълим фидойиларини тарбиялашга хизмат қилса, не ажаб. Улар сафи йилдан йилга кўпайиб бориши билан кучли билимга эга ўқитувчилар армиясига эга бўлишимиз мумкин. Бундай армияда эса ватанига, касбига содиқлар тарбияланади.

Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ИЛК СОВРИНДОРЛИКНИНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТИ

Бегойим ВАРИСОВА, Наманган давлат педагогика институтини талабаси

Президентимизнинг Наманган вилоятига таширфи чоғида вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ўтказилган йиғилишда иштирок этиб, фаол талаба сифатида сўз олганим ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа бўлди. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарига олий таълимда ёшларга яратилаётган бекиёс имкониятлар, хусусан, талабаларга грантлар тақдим этилиши борасидаги ишлар учун миннатдорлик билдирдим. Ҳақиқатан, энди тўлов-шартнома асосида олийгоҳга кирган ёшлар дарсдан сўнг ишлаб, ота-онамга ёрдам бераман деб эмас, яхши ўқиб, давлат грантига эга бўламан деб ҳаракат қилади.



Муносабат

Педагогика йўналиши талабаларига Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендияси таъсис этилгани эса бу соҳа вакилларига юксак ҳурмат, алоҳида эътиборнинг ҳаётини исботи бўлди.

Мактабларда маслаҳатчи лавозими, “Келажақ” марказлари ташкил этилиши ҳам бўлгуси педагоглар ҳаётида муҳим омил бўлишига умид билдирдим.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзим ўйлаб юрган бир ташаббусни тақлиф сифатида илгари сурдим. Наманганда ҳар йили бўлиб ўтадиган Халқаро гуллар фестивали доирасида “Китобхоналар форуми”ни ташкил этиш ташаббуси ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва китобхонлик маданиятини кенг тарғиб этишга хизмат қилиши ҳақида айтдим.

Президентимиз фикримни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, менга ишонч билдирди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ота-онам қатори менинг муваффақиятимни кўришни исташини, ўқитувчи касбинини танлаганимдан хурсанд бўлганини, қолаверса, ташаббусларимни қўллаб, муддатидан аввал Абдулла Авлоний стипендияси берилишини маълум қилди. Давлатимиз раҳбарининг оталарча ғамхўрлиги мени энг бахтли талабалардан бирига айлантирди. Ўша палладаги қувончимни сўз билан ифода-лашим қийин.

Институтимизда менга ваучер берилганида яна бир бор энг бахтли талаба эканлими ҳис қилдим. Таълимга умрини, керак бўлса, жонини фидо қилган буюк аждодимиз, миллат фидойисини номидаги стипендия нафақат муқофот, балки улкан ишонч рамзидир. Ушбу стипендиянинг илк совриндори сифатида ўз олдимга бу ишончни оқлаш, миллий педагогикамиз ривожига йўлида тинимсиз изланиш, халқимизга манfaat келтириш мақсадини қўйдим.



Таълим нафақат ижтимоий сиёсат, балки ҳар қандай давлат келажагига қўйиладиган стратегик пойдевордир. Жаҳоннинг илгор технологик ва иқтисодий ҳаётига фаол қўшилишга интилаётган Ўзбекистон сифатли таълимни миллий муваффақият ва барқарор тараққиёт калити сифатида белгиланган.

СТРАТЕГИК РЕСУРС ВА МИЛЛИЙ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Бугуннинг гапи

Бугун халқаро миқёсдаги кескин рақобат ва шиддатли технологик янгиланишлар шaroитида айнан билим, компетенция ва креативлик қайси мамлакат етакчи бўлаётганини, қайси бири эса сояда қолаётганини кўрсатмоқда.

Таққос ва таҳлиллар бугунги тўб ўзгаришлар аҳамиятини яққол намоён этади. Саккиз йил аввалги мамлакатимиз таълим тизими ҳақида, тўғриси, ижобий фикр айтиш мушкул. Бугун эса манзара бутунлай ўзгарди. Саккиз йил ичида таълим тизимимизда сифат жиҳатидан улкан сакраш бўлди. Эски ва авария ҳолатидаги бинолар ўрнида кенг, ёруғ, технологик жиҳатдан тўлиқ жиҳозланган замонавий таълим мажмуалари қад

эмас, балки баркамол шахс шаклланидиган ҳақиқий лаборатория бўлиши керак. Мактаб ўқувчида танқидий фикрлаш, масъулият, ижодкорлик ва ижтимоий фаоллиқни ривожлантиради. Шу боис, дарс машғулотлари, дарсликлар янгиланмоқда, замонавий халқаро стандартлар, рақамли технологиялар фаол равишда жорий этиляпти. Педагогларнинг тайёргарлиги, тил ўрганиш ва касбий таълим кенгаймоқда.

Янгиланишлар жараёнида мактаб инновациялар маркази, рақамли иқтисодиёт ва глобал ўзгаришларга мослашув майдонига айланмоқда. Зеро, бугунги глобаллашув ҳар биримиздан тинимсиз ўқиш ва изланишни талаб қилади. Мак

негизда республика, ҳудуд ва туманларда “Келажақ” марказлари ташкил этилиши белгиланди.

Хусусан, “Келажақ” марказлари мактаблар билан узвий ва мақсадли тадбирларни жонлантириб, муҳандислик, илм-фан, маданият, санъат, китобхонлик, спорт ва экология йўналишлари бўйича ўқувчиларни тўғрақларга жалб қилади. Бу тизим билан барча мактаблар қамраб олинади. Ҳар бир ўрта мактабда маслаҳатчи лавозини жорий қилинади. Маслаҳатчилар ўқувчиларнинг қобилияти ва қизиқишига қараб тил, касб, муҳандислик, ижод, санъат ва спорт тўғрақларини ташкил қилади.

Маҳалладаги ёшлар етакчилари эса ўқувчиларнинг мактабдан ташқари вақтини мазмунли ўтказиши учун масъул бўлади. Энг асосийси, энди мактабларда ўқувчиларнинг тўғрақлар, спорт, волонтерлик ва олимпиадаларда эришган натижалари бўйича рақамли портфолиоси шаклланиб, электрон шаҳодатномада кўрсатилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Жорий йил 8 сентябрь куни таълим тизимини ислоҳ қилиш масалаларига оид тақдиротда Президентимиз ёш авлоднинг тарбиялашнинг ягона концепцияси билан танишган эди. Концепцияга кўра, эндиликда ёш тоифалари бўйича миллий тарбия модели яратилади. Бу орқали болалар замонавий компетенцияга эга мутахассис бўлиш билан бирга миллий қадриятларга содиқ инсон этиб тарбияланади.

Бунинг илк қадами сифатида янги ўқув йилидан барча бошча, мактаб ва олийгоҳларда ҳар дўшанба куни “Келажақ соати” дарслари ўтқилимоқда. Бундан қўзғалган мақсад умуминсоний, миллий қадриятлар, ватанпарварлик ғояси, Ўзбекистондаги ислохотларни болаларга чуқурроқ, замонавий усулларда етказишдан иборат.

Шунингдек, Президентимиз жорий йил 15 сентябрь куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқотда соҳа ҳодимларининг ижтимоий шaroитини яхшилаш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, янги йилдан бошлаб камиди 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилади. Келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг шартномаси суммасига 30 фоиз чегирма тақдим этилади. Ўқитувчилар янги таълим технологияларини кенг қўллаши учун компьютер харидига 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади.

Келаси йилдан педагоглар учун давлат хизматлари тўловни 2 қарра камай-тирилади. Фан ўқитувчилари каби бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификат бериш тизими жорий қилинади. Сертификат олганларга ҳар ойда 15 фоиз устима тўланади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда таълимнинг барча бўғинлари изчил ривожлантирилмоқда. Янги таълим масканлари замонавий жиҳозланиб, ёшларнинг билим олишига барча шароит яратилмоқда. Ўқув дастурлари янгиланиб, энг илгор тажрибалар жорий этилмоқда.

Албатта, йиғилишда белгиланган қатор муҳим вазифалар, устоз ва мураббийларга яратилаётган бундай шароит, имтиёз ва рағбат ёшларнинг мукаммал билим олиши, буюк аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб камолга етишига мустақкам заминдир.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Кеч куз. Қавснинг илк кунлари. Юпун кийинганининг эти яхлайди. Эрта тонг: Тўй-хонага тумонат одам кириб бормоқда. Кенг далага кигиз тўшалиб, қур қилинган. Уч-тўрт жарчи: “Тортаберинлар, меҳмонлар, торта-беринлар”, дея чорлашдан чарчамайди. Ингитлар ош ташияпти. Кўриниғ тўйдан жой олган кексалар қора қумғонда қайнаган ач-қиқина кўк чойдан ҳўллаб, гурунгни авжига олдирган. Сўхбат мавзуси — кураш. Бирови “Фалончи полвон зўр” деса бошқаси “Йўқ, анави полвон ундан зўр” дейди. Яна бири ўтган баҳорда нариги қишлоқдаги беллашувни эслатган бўлади. Ошии паққос туширган меҳмонлар тўй соҳибини дуо қилганча тезроқ жой бўшашига шошилади. Ахир “тўй қўллуқ бўлсин”га келувчиларнинг охири кўринмайди.

Курашга қизиққан киши борки, майдонга — катта адирга йўл олган. Аслида, бу томонларда курашга қизиқмайдиган одам йўқ. Тушга яқин беллашув бошланади. Шошилмаган шундай томошадан қуруқ қолиши тайин. Биров отда, бошқаси эшакда йўлга тушган. Катта қир дегани ҳам анча кенг жой. Тепалиқлар ўртаси текис бўлгани билан атрофи қиялик. Мисоли амфитеатр. Томошабинлар учун ҳам қулай жой. Олача тўнига ўранган кексалар тагига хужурун тўшаб, бир четга жойлашмоқда. Ҳамманинг тилида давранинг зўри ким бўлиши ҳақида гап. Ҳар ким билганча тахмин қилади.

Пешиндан сўнг ўртада баковул кўриниш берди. У атрофга назар ташларкан, айлана бўлиб ўтирган томошабинларга синовчан қаради. Улар орасидан киминдир қидирган бўлди. Ўзига ёрдамчиларни чорлади. Икки-уч полвонни ёнига қақиб, беллашувни бошлаш ҳақида келишиб олди. Дастлаб урф-га кўра, ўртага ўз вақтида кураги ер кўрмаган икки қарияни чиқарди. Улар учун тобоқ (соврин)ни эълон қилиб, бошлаб беришини илтимос қилди. Бир зумда давра жимиб қолди. Оппок соқолини икки чол кўларини баянд кўтариб, рақс тушган мисоли бир-бирига яқин келди. Бир қўл ушлашиб, яна давра айланди. Бу ҳолат уч бор такрорланди. Томошабинлар ҳайқирғи билан уларнинг баҳси яқун топди. Кексаларнинг елкасига тўн ёпилиб, дуоси олинди. Энди навбат бо-лаларга берилди.

Кимдир голиб бўлар, яна кимдир мағлуб. Йиқилганининг укаси ёки акаси ор талашиб чиқиб келади. Йиқитишга иштирокида Аста-секин катталарга навбат берилиб, биллиги кучга тўлган ингитлар бел олиша бошлайди. Бако-вул гуриллаган овози билан полволларни ҳа-лолликка ундайди. Ғирром қилганга даврада ўрин йўқлиги борасида оғоҳлантириб қўяди. Ниҳоят қуёш ботар маҳали давранинг зўрини аниқлаш фурсати етиб келади.

Баковул давра ўртасида туриб ҳайқирди: “Полвонларов, ҳар қўлогинг билан эшит! Давранинг бош тобогини айтаман. Зўрман

деганинг, билатингда кучинг боринг чиқасан. Тўй соҳибининг номидан бир чори кўчқор, бир серкаси, устига бир олача тўйи ҳам бор. Юрагингда ўтинг боринг оласан!”.

Майдонга сўнаут чўмади. Қайсидир то-монда полвонларнинг чуқур-чуқур нафас олаётгани эшитилади. Баковул гапини яна так-рорлайди. Бу сафар ҳув нариги томондан гурс-гурс қадам ташлаганча лапанглаб Тўлан полвон чиқиб келади. Бир нафас тинчиган томошабин-лар яна тилга кириб, гала-говур бошланади. Бу атрофда Тўлан полвонга тенг келадигани йўқ. Ҳар томонда ўзаро музокара бошланиб кетади. Бу орада кимдир қайсидир полвонни айтганид, дакки эшитди. Жимиб қолди.

Орадан бир пиёла чой ичгулик вақт ўтиб, Тўлан полвон чиққан томоннинг рўпара та-рафидан анча бўйдор, юриши айиқни эслата-диган Мавлон полвон кўриниш берди. Энди баковулнинг ҳам овози янада баландлашади. Икки зўрни таништириб, курашга чорлади. Бир-биридан қолишмайдиган икки алп урф-га кўра қучоқ очиб саломлашади. Шундан сўнг қурни айлана бошлайди. Бир оз юргач, иккаласи ёқама-ёқа бўлади. Кузатувчилар жим. Ҳамманинг диққати майдонда. Бир пайт Мавлон полвон ўнгдан чил солмоқчи бўлиб рақибига яқинлашди. Ўнг оёгини ичкаридан солиб, орқага сурди. Тўлан полвон вақтида англаб, ортга тисарилди. Шундай бўлса-да, бир қалқиб иккаласи ҳам ўтириб қолди. Бу пайтда томошабинларнинг ярим “ух” дея ўтирган жойидан бир томонга, яна бир қисми бошқа томонга ёнбошлаб қолди. “Ҳайрият” деган сўзлар янгради. Деярли ярим соатдан зиёд курашса-да, голиб маълум бўлмади. Кучлар тенглиги сезилди. Охири Тўлан пол-вон кураш ишқибозларини маҳтал қилишни хоҳламади. Бир оз айланиб, Мавлон полвон-нинг бир қўлини ушлаб, баланд кўтарди.

— Халойиқ, агар рози бўлсангиз, кураш-ни шу жойида тўхтатаск. Қучимиз тенг келди. Келинглр, Мавлон Мавлонлигича қолсин, Тўлан Тўланлигича қолсин, — деди.



Халқимиз азалдан ҳар бир қарич ерни қадрлаган. Ундан ризқ-насиба ундириш, экин экиб, сермахсул ҳосил етиштириш борасида бекиёс тажриба тўплаган. Айниқса, кейинги йилларда бу эзгу анъаналар замонавий ёндашувлар асосида янги босқичга кўтарилмоқда.

Яратилаётган шарт-шароитлар самараси ўлароқ ҳар бир хонадон томорқасида оқи-лона ҳайдалана бошлади. Бунинг натижа-сида нафақат ўз эҳтиёжларини қондиришда, балки маҳаллий бозорни сифатли ва эколог-ик тоза маҳсулот билан таъминламоқда. Бу эса томорқачиликни фақат анъанавий меҳнат эмас, замонавий иқтисодий фаолиятга ҳам айлантирмоқда.

Ҳаётга табиқ этилаётган “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили ҳам қишлоқ ҳўжали-ги соҳасида мутлақо янги ёндашувни шакл-лантирмоқда. Бу дастур нафақат етиштири-лаётган маҳсулот ҳажмини оширатиб, балки ҳудудларнинг табиий-иқлим шариоти, ерининг хос хусусиятлари, сув таъминоти ва меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб, ихтисослашувни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Булунгур туманидаги Фозил Йўлдош маҳалласи бу борада намуна бўла оладиган ҳудуд. Маҳалла аҳли томорқада, асосан, помидор етиштиради. Шу орқали вилоятда

ПОМИДОР ҚИШЛОҒИ ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Бир манзил

етакчи деҳқонлар сифатида танилган. Халқ орасида “Помидор қишлоғи” деб ном олган. Ҳозир маҳаллада 1360 та хонадон бор. Аҳо-ли етиштирилган маҳсулот маҳаллада ташкил этилган “помидор бозори” орқали нафақат бошқа вилоятларга, балки қўшни давлатлар-га ҳам етказиб бериляпти. Яна бир муҳим жиҳат, маҳаллада қайта ишлаш корхонаси очилган. Унда помидор куриштилган ва қоқи қилинган ҳолда қадоқланади. Ушбу экспорт-ер маҳсулотлар Европа давлатларидага со-тилмоқда. Бу маҳалланинг аграр салоҳияти халқро бозорда ҳам эътироф этилаётгани-дан далолат.

Кейинги йилларда мана шундай тажри-баларни янада оммалаштиришга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг учун турли са-йиллар ўтказилиб, кенг жамоатчилик нигоҳи ўша нуктага қаратиляпти. Бу ўша ҳудудда ўзига хос туризм йўлагини очиб бераётир. Шу мақсадда Фозил Йўлдош маҳалласида помидор сайли ўтказилди. Сайилда маҳаллий

маҳсулотлар билан бирга ҳудуднинг аграр ва иқтисодий имкониятлари ҳам яна бир бор на-мойиш этилди.

Бу йил Булунгурда иккинчи марта ўт-казилган помидор сайли иштирокчилари ҳақиқий байрамона муҳитни ҳис қилди. Тадбирда ҳудудларда етиштирилаётган по-мидорнинг турли навлари, уларни парва-ришлаш усуллари, баҳоси ва ўзинга хослиги, илмий ишланмалар, янги навлар ҳақидаги маълумотлар улашилди. Ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотлари кўргазмаси на-мойиш этилди. Маҳсулотни қайта ишлаб чиқарадиганлар ва деҳқонлар ўртасида манфаатли ҳамкорликлар йўлга қўйилди. Тадбиркорлар тайёр ва ярим тайёр маҳсу-лотлар, салқин ичимликлардан намуналар тақдим қилди.

Кейинги пайтларда помидор қаттиқ, сув-сиз ва камига аввалги хушбўй ҳидидан ҳам мусово бўлаётгандек. Негашундай? Шу са-вол билан булунгурлик уста деҳқон Нарзулла Худойбердиевга юзландик.

— Мавриди келганда бир гапни айтай. Гибрид ва генетик жиҳатдан ўзгартирилган навлар таъсири бизнинг помидорларда се-зилади. Сиз ушлаб турган помидор қаттиқ бўлса-да, касалликка чидамли, сотувга чи-қаришга қулай, тез айниб қолмайди. Етиш-тирувчилар учун муҳими шу. Албатта, ав-валги навлар ҳам йўқолиб кетгани йўқ. Мана волгоград нави. Бунинг уругини ўзим олиб,



ҳар йили томорқамга экаман. Ростдан ҳам юмшоқ, суви ва ширин. Бу нав ҳозир ҳам бозорларда топилади, — дейди Нарзулла Ху-дойбердиев.

Фозил Йўлдош маҳалласида эътибо-римизни тортган яна бир жиҳат, экин май-донларига энергия ва сув тежамкорлиги техно-логиялари жорий этилаётгани бўлди. Қишлоқда миришкор деҳқон Дилмурод Ҳа-санов томонидан бир гектар ерга томчила-тиб сугориш технологияси жорий этилибди. Эътиборлиси, унга сув қуёш панелида иш-

лайдиган насослар орқали етказилади. Қуёш панелининг қуввати 40 киловатт бўлиб, у кун давомида ҳеч қандай харажатсиз иш-лайди. Замонавий насос ва сув тежовчи во-ситалар тармоқлари орқали маҳалладаги 20 гектаргача экин майдонини сугориш имкони бўлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бугун шу қишлоқда маҳалла раиси сифатида ишляпман. Лекин бўш вақт топдим дегунча, спорт залига шошаман. Шоғирдларим доим йўқлаб туради. Бу менга ўзгача гурур бахш этади.

Жонқуяр мураббийнинг мақтанса арзигу-лик ишларга бош қўшгани рост. Бугун юрти-мизнинг турли ҳудудда яшаётган элликдан ортиқ шоғирди мураббийлик қилмоқда. Бун-дан ташқари, шу залда шугулланиб, спортга ошно тутиган минглаб қизларнинг барчаси чемпион бўлмагандир, аммо соғлом она бў-либ, жисмонан бақувват, ақлан теран барка-мол фарзандларни воёга етказётгани аниқ.

“Ҳалол”, дея ҳайқирганини тан олар дунё

“Ўзбекининг ҳар бир фарзанди — полвон” деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Ишон-масангиз, эндигина қадам ташлай бошлаёт-ган икки болани бир-бирига рўпара қилиб, “Кураш” деб кўринг. Ҳали кураш ҳақида ту-шунчаси бўлмаган болаларнинг ёқа ушлаш-ганини кўриб, ҳайратланмай иложингиз йўқ.

Бугун ўзбек миллий кураши дунёга қўлоч ёзди. Турли давлатларда халқро турнирлар, чемпионатлар ўтказилмоқда. Кураш халқро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди. “Кураш”, “ҳалол”, “таъзим”, “тўхта” ва “ён-бош” каби атамалар эса халқро спорт лугати таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

1998 йил 6 сентябрда таъсис этилган Ку-раш халқро ассоциацияси бутун сайёрамиз-нинг беш қитъасидаги 129 та миллий феде-рацияни бирилаштирди. 2010 йилда Кураш халқро ассоциацияси олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун буюртма беришда муҳим талаб ҳисобланган Жаҳон допингга қарши агентлигининг эътирофига сазовор бўлди. Шунингдек, 2017 йил 20 сентябрда Ашхободда бўлиб ўтган Осиё олимпия кен-гашининг 36-шоб ассамблеясида кураш мил-лий спорт тури тарихда илк бор XVIII ёғзи Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тў-рисида”ги қарорига кўра, 6 сентябрь — Ку-раш миллий спорт тури кун сифатида бел-гиланди. Шу билан бирга, спортнинг ушбу турини янада ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалар белгилан берилди.

Бугун хориклик ёшлар миллий спортни-мизга қизиқиб, иштиёқ билан ўрганим-оқ-да. Майдонларда бел олишиб, голиблик сари интилмоқда. Бу спорт турида инсонга жиддий зарар етказадиган ҳолат йўқлиги мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

— Қани эди, болалигимда кураш билан шугулланишга имконият бўлганида, — дей-ди 85 ёшли полвон Абдурашид Мирзаев. — Бугунги ёш авлодга ҳаваси келади. Ёшли-гимизда кураш фақат тўйларда бўларди. Кун давомида кураш тушиб, бор-йўғи бир белбоғ олган пайтларимиз бўлган. Ҳозиргидек чи-ройли ятаклар қайда эди? Қўйлагимиз йир-тилмасин дея фақат белбоғ билан олишардик. Бугунгидек гиламлар тушимизга ҳам кирма-ган. Илоҳим, миллий қадриятларимизнинг қадди тиклангани рост бўлсин. Полвонлари-мизнинг кураги ер кўрмасин.

Спорт мутахассисларининг таъкидлаши-ча, кураш баҳсларида ютуқларга эришган полвонларнинг сафи анча. Муҳими, бутун миллий спортимиз дунёга қўлоч ёзмақда. “Ҳалол”, дея ҳалолликка ундамоқда. Ўзбек алпларининг довруги етти иқлимга овоза бў-лаётгани эса кураш миллий спортимиз янада ривож топаётганидан далолат.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

— Сув келиши қийин жойда деҳқончи-лик қиламиз. Илгари сув олиб келиш, на-сосларни ишлатиш учун катта маблағ талаб қилинган. Ҳозир қуёш панеллари ёрдами-да насосларимиз харажатсиз ишляпти. Бу технологияларни жорий этишимизда давлат томонидан қишлоқ ҳўжалигининг истиқболли тармоқларига қўрсатилаётган молиявий ёрдам, имтиёзли кредит ва субси-диялар ажратилиши қўл келмоқда, — дейди Дилмурод Ҳасанов. — Биз қўллаётган том-чилатиб сугоришда сув ҳам сарфланади. Минерал ўғитлар ўзлаштирилиши эса 90-95 фоизга тенг. Анъанавий сугоришда бу кўр-саткич 30-38 фоиз бўлади. Сугориш вақ-тида эритилган ўғитлар бевосита илдизга яқин жойга йўналтирилади. Озуқа модда-лар тез ва жадал сўрилиб кетади. Натижада маҳсулот ҳосилдорлиги ва сифати ошади, эрта пишиб етилади.

Помидор инсон саломатлиги учун ҳам фойдали. У бой таркиби тўғрисида юрак-қон томир касалликларининг олдини олади. Ар-териал қон босимини меъёрлаштириш, ате-росклероз ривожланишига тўсқинлик қилиш ҳамда қондаги ёмон холестеринни камайти-риш хусусиятига эга.

Сиз ўзингиз хоҳлаган яхши навли помидордан татиб кўрмоқчи бўлсангиз, яхшиси, Булунгурга — Помидор қишлоғига келинг...

Шухрат НОРМУРОВОВ, журналист